

● Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Икки палатали парламент қандай шакллантирилади?



Бу йил мен сайловларда биринчи марта қатнашаман. Мамлакатимизда икки палатали парламент шакллантирилади. Бу жараён қандай ўтишини тушунтириб берсангиз.

Сабохат Комилова,
Янгийўл шаҳри.

Ўзбекистон фуқаролари 2002 йил январь ойида ўтказилган умумхалқ референдумида икки палатали парламентни маъқуллаб овоз беришди. Булажак сайловларда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва юқори палатаси — Сенат шакллантирилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳудудий, бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган 120 депутатдан ташкил топади. Сайлов кўни 25 ёшга тўлиб, қамда беш йил ўзбекистон ҳудудида муқим яшайдиган фуқаролар Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодликка кўрсатилиши мумкин. Ном-

зод кўрсатиш сайловга 65 кун қолганида бошланиб, 45 кун қолганида тўхтатилади. Ҳар бир сиёсий партиянинг юқори органи депутатликка 120 нафар — ҳар бир сайлов округидан биттадан номзод кўрсатиши мумкин. Олий Мажлиснинг юқори палатаси — Сенатга сайлов маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайланганидан кейинги бир ой ичида ўтказилади. Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда олти кишидан сайланади. Бу сайлов Қорақалпоғистон Жўқорги Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўша мажлисларида ширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Номзодлар мазкур депутатлар орасидан кўрсатилади.

Конституциянинг 77-моддасига биноан Сенатнинг 16 нафар аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Мамлакатимизда шакллантирилаётган икки палатали парламентга сайловлар тобора яқинлашмоқда. Айни дамда бўлажак муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирга ҳар томонлама қизғин тайёргарлик кўришмоқда.

Айниқса, бўлажак сайловлар олдидан фуқароларнинг фаоллиги, сиёсий жараён ва унга оид қонунчиликдан етарли хабардор эканлиги сайловларнинг эркин-демократик тарзда ўтишини таъминлайди. Очигини айтиш керак, жойларда бўлиб ўтаётган учрашуларда, му-

ташкил этилаётган семинар-тренинглари фикримизнинг исботидир.

Ўзбекистон Либерал демократик партиясининг Янгийўл туман Кенгаши ташаббуси билан тумандаги «Низбош» ширкат хўжалиги боғида ўтказилган ўзига хос анжуманда хотин-қиз-

Мақсад фаолликни ошириш

лар ва ёшларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш масаласи кун тартибига қўйилди. Семинар-тренингда тумандаги фаол хотин-қизлар, тадбиркор ва ишбилармон аёллар, иқтидорли ёшлар иштирок этдилар.

— Бугунги кунда туманимизда 2 мингдан ортиқ тадбиркорлар фаоллиги олиб боришмоқда, — дейди партиянинг Янгийўл туман Кенгаши раиси Абдуваҳид Мамажонов. — Тадбиркорларга қўша бериш билан бир қаторда хотин-қизлар ҳамда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш-



ни асосий мақсад қилиб белгиланган. Шундан кейин кичиб, «Биз билан бирга бўлсангиз, сиз учун ишлаймиз» шiori билан кўпчилик манфаати йўлида меҳнатда-

Семинар-тренингда сўзга чиққан ЎзЛиДеП сиёсий Кенгаш ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, партиянинг «Аёллар қаноти» гуруҳи раҳбари Мухлиса Акромова, партиянинг сиёсий Кенгаш ижроия қўмитаси масъул ходими Шухрат Орипов, Янгийўл туман «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси Наргиза Жамолова, ЎзЛиДеП Янгийўл туман Кенгаши раиси муовини Машкура Мавлонова ва бошқалар ўз нутқларида бу йилги сайловлар барчага чинакам масъулият юклаши, унда айниқса, аёллар ва ёшларнинг фаоллиги ўта муҳим эканлигини таъкидладилар.

Семинар-тренинг эркин мунозара рўида ўтди. Ҳайрат ШЕРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

рилайётган ислохотлар самарасига бағишланди. Тадбиркорлиқни ривожлантиришда маҳаллий ҳомаш ва хорижий инвестициялардан фойдаланишга қаратилган эътибор, пул-кредит, солиқ-бюджет тизими ҳамда банк соҳасида эришилган ютуқлар таҳлил этилди.

Ҳазрат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири.

лазордан 46,3 центнердан ҳосил кўтарилиб, 2780 тонналик хирмон уйилди. Шу жумладан, 560 тонна уруғлик дон етиштирилди. Умуман, галлачиликда эришяётган натижаларимиз бизнинг туманимиз шарафига чакки эмас.

Пудратчилар билан тузилган шартномага мувофиқ хўжалик бошқарувининг иккинчи муҳим вазифаси деҳқонларга иш ҳақини ўз вақтида, яъни ойма-ой тўлаб берилишини таъминлашдир. Чунки, галла ва пахта етиштирилган пудратчилар ҳар ойда нақд пулда маош олиб турсалар, биринчидан, қизил-қизил билан ишлайдилар. Иккинчидан, бошқарув раҳбарлари ҳам улардан иш сифатини талаб қилишга ҳақли бўладилар. Натижада экин парвариши арготехника талаблари асосида олиб бориладилар.

Хўжалигимизда галлачилик тармоғида тўққиз ой давомида ҳар гектарига 3 минг сўмдан иш ҳақи тўлаб бериш тартиби жорий этилган. Айтайлик, беш гектар май-донда галла парваришлаган пудратчи ҳар ойда 15 минг сўмдан олади ва тўққиз ой давомида 135 минг сўм иш ҳақига эга бўлади. Аммо бу ҳаммаси эмас. Пудратчиларимизнинг аксарияти шартномада белгиланганидан ошириб ҳосил оладилар. Ана шу ортиқча етиштирилган бугдой ўзларига қолди. Шу тариқа бу йил галла етиштирган ҳар бир пудратчига ўртача 202238 сўмдан иш ҳақи тўри келди.

Ўзига ишлов бериш муддатини 4,5 ой қилиб белгиланган. Ана шу даврда пудратчиларга гектарига 13 минг сўмдан иш ҳақи тўлаб борилади. Демак, 3 гектар майдонда гўза парваришлаган пудратчи 4,5 ойда 180

Билимлилар талаба бўлади

1 август кунини мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш бўйича давлат тест синовлари бўлиб ўтди.

Юртимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури изчил амалга оширилди. Таълим тизимига жорий этилган тест-синов усули ёшлар билимини холисона аниқлаш ва олий ўқув юртларига энг иқтидорли йигит-қизларни қабул қилишда адолатли ва мақбул усул экани эътироф этилган.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига бу йил режага қўра бакалаврият йўналиши бўйича 240 нафар талаба қабул қилинади. Талаба бўлиш истагидаги ёшлардан эса мингга яқин ариза тушган. Уларнинг ўн икки нафари — фанлар бўйича республика олимпиадалари ғолибларидир.

Бу йил юртимиздаги олий таълим даргоҳларига бакалаврлар тайёрлаш бўйича 51 минг бир юз етмиш беш нафар ёш қабул қилинади. Талаба бўлиш истагидаги навақирон авлод вакиллари миқдори эса бундан бир неча баробар кўп. Демак, энг билимли ва иқтидорли ёшлар талаба бўлади.

Ҳазрат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири.

Лекин эътироф этиш керакки, ҳақини нақд пул билан тўлашнинг ҳар доим ҳам иложи бўлавермайди. Бундай пайтларда ички имкониятлардан оқилана фойдаланишга тўғри келади. Масалан, иш ҳақи ҳисобидан бугдой, пахта ёғи, гуруч бериб бориш мақсадида қўшимча имкониятлардан фойдаланиш. Чунки, аъзоларимизнинг электр қуввати ва табиий газдан фойдаланганлик учун тўловларини қоллаш мақсадида туман электр тармоқлари бўлимига 2 миллион 587 минг 936 сўм, газ бўлимига эса 2 миллион 683 минг 42 сўм пул ўтказиб бердик. Шунини айтиш кифояки, биз аъзоларнинг иш ҳақи юзасидан 1 август ҳолатигага тўла ҳисоб-китоб қилиб бўлидик.

Ҳалла масумини муваффақиятли яқунлаган деҳқонларимиз айна қуларда бутун эътиборни гўза парваришини кучайтиришга қаратмоқдалар. Улар С-6524 пахта нави арготехникасининг ҳадисини олишган. Ўғитга тўйдирилган гўзалар ҳозир учинчи марта сувга қондирилди. Қарийб ҳамма майдондаги дуркун ривожланган гўзаларнинг уч биригини марта қилиб қичқилди. Мутахассисларимиз бевосита ҳар кун дала айланиб, ҳосил тўпланиши жараёнини кузатиб бормоқдалар. Айни пайтда ҳар бир тупда 10 тадан зиёд тўлик шакланган кўсақ санаш мумкин. Бу мўл ҳосилдан дарақ, албатта. Муҳими эса, бу йил ҳосил бирмунча эрта пишиб етилиши кутилмоқда. Демак, бу масвум ҳам баракали даромадга умид боғлаш учун асос бор. Бу маблаглар эса хўжалигимиз ишлаб чиқариш фаолиятини янада кенгайтириш ва албатта, аъзоларимиз турмуш фаровонлигини ошириш имконини беради.

Омон АМИРОВ, Бўка туманидаги Ф. Азаматов номи ширкат хўжалиги бошқаруви раиси.

Biz va Jahon

Якдиллик ва қатъият — муҳим омил

Халқаро терроризмга қарши курашда дунё мамлакатларининг якдиллиги ва зарур чора-тадбирларни ўз вақтида амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилати Хавфсизлик Кенгашининг «Халқаро тинчлик ва барқарорликка терроризм туғдираётган таҳдид» мавзусида бўлиб ўтган мажлисида бу ҳақда алоҳида таъкидланди.


Тадбирда Хавфсизлик Кенгаши Аксилтеррор қўмитаси раиси Александр Канзин (Россия) қўмита томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳисобот берди. Хусусан, у қўмита иш жараёнида кузатилаётган ижобий силжишларни қайд этиш

баробарида айрим давлатлар терроризмга қарши кураш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида ўз вақтида маълумот бермаётганини таъкидлади. Унинг айтишича, жорий йилнинг 30 июнига қадар Қўмита турли давлат ва ташкилотлардан 515 та ҳисобот қабул қилган. 71 та мамлакат мазкур муддатга қадар талаб этилган ахборотни қўмитага тақдим этмаган.

Фарҳод АРЗИЕВ, «Жаҳон» АА, Нью-Йорк.

ЖСТнинг Женевадаги учрашуви

Швейцариянинг Женева шаҳрида Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ЖСТга аъзо 147 мамлакатнинг савдо ва қишлоқ хўжалиги вазирлари иштирок этди.



Женева учрашуви барча иштирокчи томонлар учун муваффақиятли яқунланди. Унда ЖСТга аъзо ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида савдо алоқаларини эркинлаштириш юзасидан музокараларни қайта йўлга қўйиш бўйича битим имзоланди. Хужжатда ривожланган давлатлар ҳуку-

матлари томонидан уларда жорий этилган экспорт субсидияларини ва қишлоқ хўжалиги учун дотацияларни бекор қилиш вазифаси белгиланган.

Савдо муносабатларини эркинлаштириш масаласи ЖСТ аъзолари ўртасида анча вақтдан бундан зиддиятларга сабаб бўлиб келаятганлиги. Ушбу муаммо юзасидан музокаралар 2001 йили Қатарда бошланган эди. Бироқ 2003 йил сентябрда Мексиканинг Канкун шаҳрида ўтган навбатдаги учрашув муваффақиятсиз яқунланди.

Нодирбек ЎЛЖАБОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

Бельгиядаги ҳалокат

Ўтган ҳафта дунёдаги айрим мамлакатлар учун анча таъвишли кечди. Бельгия саноатида йирик ҳалокат содир бўлди. Юқори босимли газ тақсимлаш мажмуида бир неча бор кучли портлаш рўй берди.

Натижада 15 киши ҳаётдан кўз юмди. Икки юзга яқин одам оғир жароҳатланди. Шу каби фожиа Парагвайда ҳам рўй берди. Пойтахтдаги «Икуа Боланос» савдо марказида чиққан ёнғин 274 кишининг умрига зомин бўлди.

Яқинба бўлгани учун савдо марказида одам кўп эди. Уларнинг аксарияти ёнғин натижасида оғир жароҳатланди. Маълумотларга қўра, ёнғинга газ балонининг портлаб кетиши сабаб бўлган. Энг ачинарлиси, бир неча ёнғин вақтида чиқади.



бўлган. Энг ачинарлиси, бир неча ёнғин вақтида чиқади. Уларнинг аксарияти ёнғин натижасида оғир жароҳатланди. Маълумотларга қўра, ёнғинга газ балонининг портлаб кетиши сабаб бўлган. Энг ачинарлиси, бир неча ёнғин вақтида чиқади.

Жамғарма жарроҳлик йўли билан даволанишга муҳтож болаларга ҳам ёрдам бермоқда. «Фриденсдорф Интернешнл» (Германия) ва «Смайл Трейн» (АҚШ) халқаро ташкилотлари билан ҳамкорликда улар томонидан ажратилган грант маблағларига йил бошидан бери 130 бола операция қилинди, беш бола эса Германиянинг энг яхши шифохоналарига даволаниш учун жўнатилди.

Жамғарманинг хорижий ҳамкорлари бошқа инсонпарварлик дастурларини амалга оширишда ҳам кўмаклашмоқда. Сўнгги вақтда «AmeriCares» (АҚШ), «Hornum Audiofon» (Германия) каби ташкилотлар билан муносабатлар ўрнатилгани туфайли Ўзбекистонга умумий қиймати 7 миллион АҚШ долларидан ортиқ мурувват ёрдами келтирилди.

Жорий йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши муносабати билан «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси фаолияти ҳам кучайтирилди. Бундай фаолият ҳам давлат дастурлари, ҳам жамғарманинг ўз дастурлари ижроси доирасида амалга оширилмоқда. Бу дастурлар мамлакатимиз болалари бақувват, ҳар томонлама ривожланган бўлишига қаратилган.

Муҳим йўналишлардан бири — аҳоли, биринчи навбатда узоқ ҳудудларда яшовчи аёллар ва болаларнинг доимий тиббий-ижтимоий патронажи. Йил бошидан бундан жамғарманинг тиббий-ижтимоий патронаж гуруҳлари 912 та узоқ қишлоқда ва 958 та

А. ИВАНОВА, ЎЗА муҳбири.

Ёшлар ва сайлов маданияти

«Бунёдкор» ёшлар телеклубида бўлажак икки палатали парламент сайловларида ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларни кўппартиявийлик тизимининг

мамлакатимиз ва жаҳон таърибаси, амалиёти, сайлов қонунчилигимиздаги янгиликлар билан яқиндан таништириш мақсадида «Ёшлар ва сайлов мадания-

ти» мавзусида туркум семинарлар ўтказилди. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон

Либерал-демократик партияси ҳамкорлигида ташкил этилаётган ушбу тадбирларнинг бу галгиси юртимиз иқтисодий тараққиётини таъминлашда амалга оши-

● Қишлоқ ва ислохот

Бу шунчаки ҳавойи фикр эмас. Унинг ҳаётий ҳақиқат эканлигини қишлоқ хўжалигида юзага келаётган янги ишлаб чиқариш муносабатлари яққол кўрсатмоқда. Мустақиллик шарофати билан кенг қўлама олиб борилаётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар деҳқонлар онгини, уларнинг дунёқарашини туб-

дан ўзгартирмоқда. Айниқса, ҳар бир дала меҳнатқилини меҳнатга муносабати бутунлай янгича маъно ва мазмун касб эта бошлади. Айтиш мумкинки, нафақат мустақил фермер, балки, оддий пудратчи ва ижарачилар ҳам эндиликда маълум маънода чинакам қишлоқ мулкдорларига айланмоқда.

Деҳқон меҳнатининг қадри

Иш ҳақи ойма-ой ва тўлиқ бериб борилишида ўз ифодасини топади

Собик иттифок давридан қолган давлат ва жамоа хўжалиқлари тугатилиб, иш юритишнинг шартнома муносабатларига асосланган ширкат хўжалиқлари ташкил этилганлиги эрга, мулкка ва меҳнатга мутлақо янгича муносабатларнинг шаклланишига мустаҳкам замин яратди. Пудратчи тегишли хўжатлар асосида ўзига расмийлаштириб берилган бир бўлак эрга қонуний эгаллик ҳуқуқини амалда ҳис этмоқда. Энг муҳими ўш меҳнати қадрини тушуниб этди, ўз ҳақини таниди, уни талаб қилиш тартиб-қоидаларини ўрганди. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалигидаги ислохотларнинг тезлашиши ва янада чуқурлашишига хизмат қиладиган энг муҳим омилдир. Мана шу табиий омилнинг қадрига етиб, деҳқонларнинг ташаббус ва инициативаларини қўллаб-қувватлаб, бор имкониятларини тўла намоён этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётган хўжаликларда йил қандай келишидан қатъи назар режалар ортиги билан уйдан олиб, иқтисодий аҳвол ҳам мустаҳкамлашиб бормоқда.

Пудратчи ва ижарачи деҳқонларнинг иштиёқи ва манфаатдорлиги билан ишлаб, асосий экин турларидан мўл ва барқарор ҳосил олишлари учун биринчи навбатда уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантириш, соддароқ қилиб айтганда иш ҳақини ойма-ой қанда қилмай тўлаб бериш зарурлигига биз ўз хўжалигимиз мисолида тўла ишонч ҳосил қилдик. Қайси тармоқда бўлмасин, ҳар қандай меҳнатига яраша ҳақ тўлаш қатъий қоидага айланган. Бунинг учун хўжалик бошқаруви билан пудратчи-

лар ўртасида тузилмаган шартнома қонуний ҳужжат вазифасини ўтайди. Шу боис у ҳар икки томоннинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳар жиҳатдан ва тўлиқ ҳисобга олган ҳолда тузилади ва

бутун йил давомида унинг шартларига оғишмай амал қилинади.

Хўжалик бошқарувининг асосий вазифаси пудратчиларни уруғлик, ўғит, қимёвий ва биологик воситалар, техника хизмати, сув ва бошқа зарур нарсалар билан вақтида ва белгиланган миқдорда таъминлаб беришдан иборат. Масалан, пахтачилик тармоғида жами 85 оилавий пудратчи 13 нафар бош пудратчи бўш қарадан гуруҳларга бўлинган. Таъминотда

узалиш бўлмаслиги учун бу вазифани бош пудратчилар бажаришмоқда. Пудратчилар ўзлари учун керакли миқдордаги ўғит ва бошқа воситаларга улар орқали буюртма беришмоқда. Жумладан, А. Норбутаев раҳбарлигидаги пудратчилар гектарига энг кўп, яъни 392 килограммдан аммиак селитраси сарфлаган бўлса, Р. Муродов бош пудратчи бўлган гуруҳ энг кам — 197 килограммдан беришди. Хўжалик бўйича 844 гектар майдондаги гўзага йиллик меъёридаги 257821 килограмм аммиак селитраси, 217631 килограмм сульфат аммоний, 9100 килограмм карбамид, 20689 килограмм калий ўғитлари ана шундай табақалаштирилган тартибда бериб бўлинди.

Деҳқонларимиз иккинчи асосий экин — галладан ҳам ҳар йили барқарор 45-50 центнердан ҳосил олмақдалар. Бу йил 600 гектар гал-



Суратларда: тажрибали механизатор Ормиқ Қодиров (юқоридаги сурат); (ўнган чапга) хўжалик бош иқтисодчиси Саидқосим Амиров ва бош пудратчиси Абдурахмон Норбутаев чеканка сифатини кўздан кечиришмоқда.

Даврон АХМАД олган суратлар.



Қуёшли ансамбль нур сочди

Голландиянинг Брунс-сум шаҳрида ЮНЕСКО-нинг фольклор ва халқ санъати халқаро кенгаши шифееллигида ташкил этилган анъанавий "Брунсум намоиши" халқаро фольклор фестивали бўлиб ўтди.

Бу йилги фестивалда илк мартаба Муборак Мирзаева раҳбарлигидаги Тошкентнинг "Ассалом, қуёш" рақс жамоаси иштирок этди. Сўнгги йилларда ушбу жамоа санъат усталари дунёнинг турли қитъаларидаги халқаро фольклор ва рақс фестивалларида муваффақиятли қатнашиб келмоқдалар.

Дунёнинг 25 фольклор гуруҳлари орасида "Ассалом, қуёш" жамоаси мутахассислар ва мухлислар эътиборини жалб этди. Санъаткорларимиз ижросидаги миллий рақслар залга йилгилан барча томошабинларга манзур бўлди. Брунсум мери Клеменс Брокеннинг эътиборига қўра, фестивалда ўзбекистонликларнинг иштирок этиши қутилмаган соғва бўлди.

«Хатто фестивалда ташкилотчилар ўзбек санъаткорларининг бунчалик ёрқин тақдирини кутмаган эдилар. Бу йил юртимизда булут ва ёғингарчилик кўп бўлди, бироқ «Ассалом, қуёш» бамисоли Голландияга қуёш нури олиб келди», дейди фестивал директори Тео Оферманс.

Ж. МУТАЛОВ,
"Жаҳон" АА, Брюссель.

Дийр илҳомлари

Гўзаллик

Баҳор келиб, заминда гул гуркирар,
Чаманзорда капалаклар базм қураб.
Субҳи сабо гунчаларда ўйнаб нур,
Хушбўй гуллар чехраларда елпунур.
Боғлар очар кўркам, сахий бағрини,
Алп чинорлар тутар нурга савғрини.
Замин билан сўзлашади гуллар ҳам,
Элга хирмон кўзлашади мардлар ҳам.
Гунчасини нурга буркаб субҳидам,
Кўзин очиб, сеп танлайди тикон ҳам.
Шўх елларга ҳамдам эрур қуй, наво,
Ерга тутар илқ нафасин хаво.
Баҳор дилин кул гаштига ўрайди,
Бор оламни чиройига буркайди,
Гўзалликка ошиқ эрур табиат,
Илҳом олиб, шеърлар ёзур Назармат.

Кўрғазма

Мактабда кўрғазма — мола ва омон,
Ўтмишдан хотира, деҳқон буюми,
Муаллим дер, — ерга бўлган эҳтиёж,
Боболар яратиб, ишлатган ун.
Кўл изи, тер сингган, қадимий ёдгор,
У билан ер юмшаб, ундирилган дон,
Кўш хўкиз, чайир от бўлиб у ҳамкор,
Тортган улар билан машаққат деҳқон,
Устоз сўрар англичини боладан,
Экин захматидан, ўтмиш даладан,
Заминда ризқу рўз, эл дер бунёдкор,
Қудратли мошинлар деҳқонга ҳамкор.
Боболар ўтмаса бу отир йўлдан,
Бугунги камолот келмасди қўлдан.

Китобингизни ўқидим

«Кавардон мафтуну»



Оламни билиш учун инсонга тафаккур берилган. Дунёни кўриш учун кўз берилган, эшитиш учун эса сезги... Зеро, бирор олижаноб максадни амалга ошириш учун сабот ва матонат билан ҳаракат қилиб, интилиб яшашнинг ўзи бек эмасми?!

Ана шу интилишларнинг самараси, ижобати сифатида чоп этилган Латифжон Мансуровнинг «Кавардон мафтуну» китобини (Тошкент, 2004 йил, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси адабиёт

жамғармаси нашриёти) ўқиб, кўнглимда мамнулик ҳис қилдим. Муаллифнинг ўзбек халқининг улғу фарзандларидан бири, зарбардас адиб Мусо Тошмухаммад ўғли Ойбек ҳақидаги кавардонликларнинг хотираларини тўплаб, вақтли матбуот саҳифаларида чоп этириб юрганидан хабардорман. Бу хотираларнинг аксарияти «Тошкент ҳақиқати» газе-

си саҳифаларида дунё юзини кўрган.

Агар рисола муаллифи Латифжон бўлмаганда, балки, устоз адибнинг Кавардондаги ҳаёти, демак, ижодий умрининг кичик бир қисми унутилган бўлармиди, билмадим.

Китобдан ўрин олган собиқ «Меҳнат-бирлик» жамоа хўжалиги раиси Омилбой Ёқубов, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Зухриддин Ёқубов, илгор бригада бошлиғи Раҳима Давилова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган меҳнат қўлчилари раҳбари Фаттоҳ Исмоилов, марҳум ёзувчи Ҳамид Мурод ва бошқаларнинг дил сўзлари, эсдаликларни ўқувчини бефарқ қолдирмаслиги аниқ.

Шавкат ТУРОВА.

Халқаро танлов ғолиблари

Тиббий кўмакка муҳтожларга муруват кўрсатиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, дардига малҳам бўлиш каби саъйишлар миллий кадрларимизнинг асосини ташкил этади. Шу бонс ижтимоий муҳофаза жамиятимиз ривожининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган, аҳолини, айниқса, дарддан қийинларни оқиқ йўналтирилган ҳимоялаш тизими бар-по этилгани бежиз эмас.

Юртимизда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилувчи «Мафтункор ранглар жилоси» халқаро болалар бадиий кўрик-танлови ҳам айнан ана шундай эзгу максдаларга хизмат қилмоқда. Мамлакатимиз истиклолнинг 13 йиллик байрамига бағишланган ушбу танловни Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини

ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси, Бадиий академия, Ўзбекистон ноғиронлар жамияти, Ҳакамлар ҳайъати ҳулосаларига қўра, етти ёшдан ўн икки ёшгача бўлган катнашчилар гуруҳида биринчи ўрин Рената Каримовага (Тошкент шаҳри), иккинчи ўрин Моҳира Ўрозбоевага (Тошкент вилояти), учинчи ўрин Эдем Абдурахмоновга (Жиззах) насиб этди.

Ун уч ёшдан ўн етти ёшгача бўлган иштирокчилар гуруҳида эса Бахтиёр Маматов биринчи ўринга (Жиззах вилояти), Олмагул Мирзагаалиева иккинчи ўринга (Қорақалпоғистон Республикаси), бухоролик Зарногор Ҳақимова учинчи ўринга лойиқ топилди.

Танлов ғолибларига ташкилотчилар ва ҳомийларнинг савгалари топширилди.

ЎзА.

Биласизми?

Митти қуш колибри

Колибри — ер юзидagi жами қушларнинг энг митти-тисиди. Унинг катталиги ковок аридек келади; оғирлиги эса 1,5-2 грамм. Шуниси қизиқки, бу митти қушлар кўпинча гала-гала бўлиб, баъзида якка-якка тарзда ҳам қирғий ёки бой-қушга дафъатан човут соладилар. Ўзидан юз барабар катта йиртқич қушга ташланганида, у қайси «қучи»га ишонар экан?

Гап шундаки, колибрининг кўз қўриб, қулоқ эшитмаган бир хислати бор: у осмонда ҳар томонга — олдинга, орқага, ёнга ҳам уча олади; шунинг учун ҳеч нарсадан қўрқмайди. Колибри осмонда бамисоли вертолёт каби бир жойда қимирламай узоқ вақт тура олади, хавф-хатар туғилиши билан бир зумда кўздан ғойиб бўлади.

Колибри ҳар куни ўз вазнининг ярмига тенг келадиган миқдорда нафас сўради; бундан ташқари ўз вазниндан икки ҳисса ортиқ

миқдорда ҳашарот тутиб ейди. Шунинг учун ҳам у кучли, чақон ва чайир бўлса керак!

Колибрилар Америкада — Оловли Ердан то Аляскага бўлган худудларда учрайди. Улар қишга яқин экватор томон учиб кетади. Айрим паррандашунос олимлар бу қушларнинг узоқ манзилларга дам олмай учиб бора олишига ишонмайди. Аммо текширишлар колибрининг ҳақиқатан ҳам узоқ масофаларга тўхтовсиз учиб олишини исботлади. Колибри сотига 90 километр тезликда учиб, 800 километр масофани дам олмай босиб ўта олади.

Колибрининг оёғи ниҳоят даражада калта, шунинг учун у ерда юролмайди, ҳатто кўнлолмайди ҳам. Ҳаракатдаги колибрининг юраги минутига 1200 марта, ухлаганида эса, 50 марта уради.

Даврон АБДУЛЛАЕВ
тайёрлади.

Қилмиш-қидирмиш

Тошкент тумани Қозғистон Республикаси билан чегарадош бўлиб, четга товар-моддий бойликларни олиб чиқиш ва олиб кириш худудларидан ҳисобланади. Бироқ, мамлакатимизга кириб келаётган товар-моддий бойликларнинг ҳаммасини ҳам сифатли деб бўлмайдми. Бундай кўнгил хираликларнинг олдини олиш, ноконуний кириб келаётган ва чиқиб кетаётган товар-моддий бойликларни тўхтатиб қолиш учун мунтазам тадбирлар ўтказиб боришмоқда.

Пойтахтимизнинг С. Раҳимов туманида яшовчи 1954 йилда туғилган Ф. Мавлон ўзига тегишли «М-2125» русумли автомашинасида умумий нархи 120 минг сўм бўлган, Хитойда ишлаб чиқарилган эркаклар оёқ кийимларини Қозғистон Республикасида мамлакатимизга олиб кираётганида қўлга олинди.

Ўтказилаётган навбатдаги тадбирлар жараёнида «Тўлабий» ширкат хўжалиги худудида Шайхонтоҳур туманида яшовчи 1944 йилда туғилган Ф. Восик ўзига қарашли «М-412» русумли автомашинада Россияда ишлаб чиқарилган 150 минг сўмлик «Соковита» русумли 120 дон шарбатларини ноконуний равишда республикамизга олиб кираётгани маълум бўлди. Шунингдек, Қозғистон Республикасида ишлаб чиқарилган 81 минг сўмлик 90 шиса арок, 72 минг сўмлик спиртли ичимлик ҳам мусодара қилинди.

Шерали АНВАРОВ,
вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот маркази катта инспектори.

• Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport



Қибрай туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабига қарашли шахмат клубида вилоят биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

Уни вилоят ва Қибрай тумани шахмат федерациялари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, халқ таълими бошқармаси ҳамда «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти ҳамкорлигида ўтказилди. Асосий мақсад, маҳаллаларда спортнинг ушбу оммавий турини янада ривожлантириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, вояга етмаган ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишдан иборат эди. Биринчиликда олти гуруҳга бўлинган 63 нафар спортчи 4 ёш тоифасида беллашдилар. Айниқса, Чирчиқ шаҳри, Қибрай, Оққўрғон ҳамда Зангиота туманларидан келган ишти-

Бўлажак чемпионлар баҳси



рокчилар биринчиликда фаол иштирок этишди. Якуний натижаларга қўра, 10 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида қибрайлик Шохбоз Жўраев, Лутфулла Исмаилов, Дониёр Шоазизовлар яхши натижалар кўрсатилди. 12 ёшгача бўлган ўғил болалар ичиди Абдуҳаким Ортиқов, Исмоил Бойметов, Бахтиёр Мансурхонновга тенг келадигани топилмади. Шу ёш тоифасидаги қизлар баҳсида галаба чирчиқлик вакилларига насиб этди.

14 ёшгача бўлган ўғил болалар беллашувлари ҳам ўзига хос тарзда ўтди. Унда биринчи ўринни Иззат Султонов, иккинчи ўринни Зиёдулла Исмаилов ҳамда учинчи ўринни Валихон Расулов эгалладилар.

Хуршида НАЗАРОВА.

«Хитой-2004»

Курашни кучлилар давом эттиради

Футбол бўйича Хитойда ўтказилаётган ўн учинчи Осиё чемпионати ҳал қилувчи босқичга кирди. Чорак финал учрашувлари жанговар руҳда ўтди.

Мамлакатимиз футболчилари Бахрайн терма жамоасига қарши майдонга тушдилар. Ўйин ҳар иккала жамоанинг ҳужумкор ҳаракатлари остида ўтди. Учрашувнинг 59-дақиқасида Александр Гейнрих рақиб дарвозаси томон белгиланган жарима тўпини қўйилмақом бажариб, ҳисобни очигаша эришди. Бахрайнликлар 70- ва 76-дақиқаларда икки тўп киритиб, ҳисобда олдинга чиқиб олдилар. Учрашув тугашига тўрт дақиқа қолганда Владимир Шиселов ҳисобни тенглаштирди. Мусобақа низомига қўра, қўшиб берилган вақтда ҳам 2:2 ҳисоби сақланиб қолди. 11 метрлик жарима тўпини қўйишда Марат Бикмаев ва Леонид Кошелевлардан омад ўз ўрниди. Бахрайнликлар тўртта тўпни аниқ дарвозага йўлладилар ва учрашув тақдирини ўз фойдаларига ҳал қилиб, ярим финал йўлланмасини қўлга киритдилар.

Хитой билан Ироқ ўртасида бўлиб ўтган чорак финал ўйини мухлисларда катта қизиқ уйғотди. Ўйиннинг дастлабки дақиқаларида хитойликларнинг қўли банд келди ва улар 7-дақиқада ҳисобни очигаша эришдилар. Улар 51-дақиқада 11 метрлик жарима тўпини ҳисобни 2:0 га етказдилар. Иккинчи бўлимда ироқлик футболчилар майдонда фаол ҳаракат қилиб, устунликни қўлга олган бўлсаларда жавоб тўпини қўйишда ироқликларнинг қўли банд келди. Хитойлик футболчилар ушбу имкониятдан унумли фойдаланиб, ҳисобни 3:0 га етказдилар.

Яна бир қизиқарли учра-



шув Жанубий Корея ва Эрон футболчилари ўртасида бўлиб ўтди. Эронлик футболчилар ўйинда ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Натижада Ал Карийим уч маротаба жанубий корейликлар дарвозасини ишғол этиб, ҳет-трикка эришди. Қизиқарли ўтган ўйин 4:3 ҳисобида эронликлар галабаси билан якунланди.

Япония — Иордания ўртасидаги чорак финал баҳсида асосий вақтда 1:1 ҳисоби қайд этилди. Қўшимча вақтда бу ҳисоб ўзгармади. 11 метрлик жарима тўпини тегишида аввал иорданияликларга сўнгга японларга омад қилиб бекди.

3 августда бўлиб ўтадиган ярим финал ўйинларида Эрон-Хитой, Япония-Бахрайн билан баҳс юзотилади. Финал ўйини 8 ва 8 августга белгиланган. 6 августда учинчи ўрин учун баҳс бўлиб ўтади.

Талъат ЮСУПОВ.

Намангандан ғалаба билан

Илгари хабар қилганимиздек, Наманган шаҳрида 1991-92 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида Турон яккакураши бўйича бўлиб ўтган республика биринчилиги мусобақалари ниҳоятга етди.

Унда маҳоратли мураббийлар Акрон Шеродонаев, Маҳфуза Абдуллаева ва Хайрулло Ҳўжаев раҳбарлигида катнашган 36 нафар виллоятимиз терма жамоаси вакиллари республикаларимизнинг қарийб барча виллоятларидан келган 300 нафардан ортиқ тенгдошлари орасида маҳорат бодаида анча устун эканликларини намоиш этишиб, катта ғалаба билан қайтишди. Шиддатли ва муросасиз баҳслар натижасига қўра, 7 та олтин, 8 та кумуш ва 3 та бронза медални қўлга киритган ёш спортчиларимиз умумжамоа ҳисобида ҳам шохсупанинг юқори поғонасини банд этишди. Эътиборли жиҳат, вилоят терма жамоаси таркиби, асосан Тошкент тумани яккакурашчиларидан иборат бўлиб, республика чемпионолари — Илҳом Исаев (50 кг.), Замира Генахунова (30кг.), Улғубек Расулхўжаев (44кг.) ва Шаҳзода Султонова (55кг.) каби ўғил-қизларимиз муваффақиятга муносиб улуш қўшишди.

Воҳид БОЙМУРОДОВ.

● Шундан кейин

ИҚЛИМ НЕГА ЎЗГАРАДИ?



Япония метеорология бошқармаси ходимлари Япониянинг Хонсю ва Хоккайд оролларидаги иқлимнинг ўзгариши сайёраимизда иссиқликнинг кўтарилиб кетаётганлигидан далолат деб ҳисоблашмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, агар ер юзиди атмосферага қарбонат-ангидрид газини чиқариш қаматирилмаса, 2070 йилга бориб, Тинч океан худудиди мамлакатларда жуда юқори даражада иқлим ўзгаришлари юзгага келар экан.

ЭНГ КЕКСА ҚОТИЛ



Юз ёшли Бернард Хеджин-ботен Буюк Британия тарихида «Энг кекса қотил» номини олди. У ўз хотинини ўлдирганликда айбланмоқда. Бернард даяри 170 йил бир ёшгача бош қўйган турмуш ўртоғини бўғизлаб ташлаганини тан олди. У 12 ой ҳисбада сақланади, сўнгга ҳамиша қариндошлари назорати остида бўлиш шарти билан «уй қамоғи»га қўйилди.

«МАЙКРОСОФТ» АНЧА ОРҚАДА



Америкаликларнинг эътирофи этишларича, «Сони» ва «Кока-кола» энг илғор савдо маркалари экан. Учунчи ўринни эса Американинг компьютер ишлаб чиқарадиган «Делл» фирмаси эгаллаган. Жаҳонга машҳур компьютер дастурларини ишлаб чиқарувчи «Майкрософт» компанияси ҳатто биринчи ўнликдан ҳам ўрин ололмаган.

ЭЪТИБОР БЕРИШМАГАНДИ

Буюк Британия қишлоқларида яшовчи ўсмирларнинг кўпинлиги ўткир ичкиликлар ва «енгил» наркотик моддаларга ружу қўйган, деб топилди. Бу таркибни мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари олиб бorgan қузатувлар тасдиқлайди. Ушбу қутилмаган ҳулоса қишлоқларда яшовчи ота-оналарга катта зарба бўлди. Чунки, улар энди ўз фарзандларини нималар билан шугулланаётганини билиб қолди.

Улуғой ДОЛИЕВА.

«РАМК-FOOD» МЧЖга савдо ҳуқуқини берувчи 112800-ХШ рақами, 010843 серияли, тамаки махсусотлар савдоси ҳуқуқини берувчи 143 рақами, 001693 серияли, вино-арок махсусотлар савдоси ҳуқуқини берувчи 210 рақами, 002310 серияли лицензиялар йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Сергели тумани ҳокимияти томонидан Ли Виктор Степанович номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО ПКФ «GAMMA-ELEKTRO»

Мирабадского района г.

Ташкента, код ОКПО 17488589

ПРЕОБРАЗУЕТСЯ в ЧПКФ

«GAMMA-ELEKTRO», право

приемником является ЧПКФ

«GAMMA-ELEKTRO»

Справки по телефону:

133-12-84, 136-01-54.

«Қишлоқ қурилиш» ОАЖ

«ЛИАНА-ТРЕЙДИНГ» қўшма корхонасига

қўшилиши муносабати билан 893 та

акцияни йиғиб олган, топширилмаган

164 та акция эгалари бир ой ичиди

Тошкент шаҳар Юнусобод-19 даҳа,

Т. Зоҳидова қўчаси, 119-уйда жойлашган

манзилга келиб топширишини сўраймиз.

Телефон: 23-25-99.

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатхиддин
МУХИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48
Эълонлар: 133-58-85,
136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда да-
лиллаларнинг тўғрилиги учун
рекламда ва эълон берув-
чилар масъулдир.